

Mustahkam oila – yurt tayanchi

# OILA DAVTRASIDA

№ 19 (365)  
2019 - yil  
9 - may  
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.

QABUL KOMISSIYASI

## ИМТИЁЗ- лар...



## МУСТАҚИЛЛИК УЧУН ҲАРАКАТ

Уруш давридан  
бошланган...ми?



Эркин ВОХИДОВ,  
Ўзбекистон халқ шоири,  
Ўзбекистон Қаҳрамони

## ОНА ТИЛИМ ЎЛМАЙДИ!

Нотиқ деди:

«Тақдир шул,  
Бу жаҳоний ирода.  
Тиллар йўқолур буткул,  
Бир тил қолур дунёда».  
«Эй воиз, настага тушгин,  
Бу гап чиқди қаердан!»  
Навоий билан Пушкин  
Туриб келди қабрдан.  
Ким даргазаб,  
Ким ҳайрон,  
Чиқиб келдилар қатор:  
Данте, Шиллер ва Байрон,  
Фирдавсий, Бальзак, Тагор.  
«Вазингни кўй, биродар,  
Сен айтганинг бўлмайди».  
Барча деди баробар:  
«Она тилим ўлмайди».  
– Ҳей, бу қандай ақида! –  
Кўлида табаррук жом,  
Гўзал форсий ҳақида  
Рубоий айтди Хайём.  
Эҳтиросли, оташдил  
Беранже сўрди нолон:  
– Наҳотки, фаранги тил  
Йўқолгуси бир замон!  
Неруда, Лорка турди  
Сервантеснинг ёнига:  
– Ким қасд этиб тиг урди  
Она тилим жонига!  
Фузулий ёнди:  
– Озар  
Тили гулдек сўлмайди.  
Барча деди баробар:  
«Она тилим ўлмайди».  
Камалакдек ранго-ранг  
Бўлсин деб санъат, тиллар,  
Асрларча қилдик жанг,  
Армон қилдик минг йиллар.  
Беқадр бўлса, наҳот,  
Тиллардаги тароват!  
Йўқолди бу кун, ҳайҳот,  
Қабрларда ҳаловат!  
«Фауст» ёнди гуриллаб,  
«Хамса» ўтга туташди.  
Бир садо жаҳон бўйлаб  
Таралди, тоғлар ошди.  
Бу садо янграр ҳамон,  
Сира адо бўлмайди.  
Олам айтар:  
Ҳеч қачон  
Она тилим ўлмайди!

Закот, фитр  
садақа ва  
фидянинг  
**МИҚДОРИ  
ҚАНЧА?**



2-бет

## ГИЙБАТУ ТУҲМАТ

кимга,  
нима учун  
керак?



5-бет

3-бет

uzkitob.uz

«O'ZDAVKITOBSAVDOTA'MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй  
Tel.: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

Энг сара  
китоблар  
ассортименти

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА УЛАРИНИНГ БЎШ ВАҚТИНИ  
МАЗМУНЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА 5 ТА МУҲИМ ТАШАББУС!



**БЕШТА МУҲИМ ТАШАББУС**

Ҳар бир ҳоким бу бўйича сўралади

Бешта муҳим ташаббус – янги сиёсатимиз. Уларни амалга ошириш бўйича Бўка тумани намуна сифатида танлаб олинди. Ҳар бир туман ҳокими бешта ташаббусни жорий этиш бўйича йил якунида ҳисобот беради. Бешта ташаббус ижроси доирасидаги ҳамма ишлар мактаб атрофида мужассам бўлиши керак. Улардаги спорт заллари, клублар болаларга берилиши, ёшларимиз бу ерга келиб спорт билан шуғулланиши, китоб ўқиши, ахборот технологияларини ўрганиши, баркамол бўлиб улғайиши лозим. Иқтисодиёт қандай ривожланса, бешта ташаббус доирасидаги ишларга ҳам шундай эътибор қаратсак жамиятимизда муҳит ўзгаради, одамларимизда ҳаётга ишонч ортади. Бу баландпарвоз гаплар эмас ҳаёт-мамотимиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Мингбулоқда нефть топилди

Наманган вилоятидаги Мингбулоқ нефть конини ўзлаштириш бўйича инвестиция лойиҳасига асосан синов тарикасида биринчи нефть казиб олинди, дея хабар берди Ўзбекистон Энергетика вазирлиги матбуот хизмати.



Лойиҳани амалга оширувчи масъудияти чекланган жамият шаклидаги «Мингбулоқнефть» қўшма корхонаси «Ўзбекнефтегаз» акциядорлик жамияти ва Хитой миллий нефть-газ корпорацияси — «CNPC» томонидан ташкил этилган.

Лойиҳа Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида энергетика соҳаси бўйича ҳамкорликда амалга оширилаётган энг йирик лойиҳалардан бири бўлиб, у «Бир макон — бир йўл» тарихий стратегияси доирасида амалга оширилмоқда.

Экспертларнинг фикрича, Мингбулоқ кони бир неча сабабларга кўра мураккаб лойиҳа саналади. Конни ўзлаштириш: катта чуқурлик (6000 метр ва ундан ҳам чуқурроқ); юкори резервуар босим (115 МПа дан ортиқ) ва резервуар ҳарорат (168 °C дан ортиқ) каби омиларга боғлиқ экани айтилмоқда.

Ҳар бир маҳаллада банкмат бўлади... ми?

Мамлакатимизда муомаладаги нақд пул ҳажмининг юкори экани бозорларда олди-сотди асосан нақд пулда амалга оширилаётгани билан боғлиқ. Бу ҳақда Марказий банк раиси Мамари-зо Нурмуродов 4 май куни Олий Мажлис Сенатидаги ҳисоботида маълум қилди, дея хабар берди «Газета.uz».

Марказий банк раиси сўзларига кўра, Нумо миллий тўлов тизими иқтисодиётдаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини оширишга қаратилган. Шунингдек, у яқин вақтларда фуқароларни уйма-уй ўрганиш орқали пенсияларни нақд пулда бериш амалиётига барҳам берилишини ҳам айтиб ўтган. Аввало одамлар истаган вақтда нақд пул олишлари учун ҳар бир маҳаллага, хизмат кўрсатиш масканларига банкматлар ўрнатилади.

Закот, фитр садақа ва фидянинг бу йилги миқдори қанча?

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво хайъатининг 2019 йилги закот, фитр садақа ва фидя миқдори бўйича қарори қабул қилинди.

Фатво хайъатига кўра, 2019 йил (ҳижрий 1440 йил) учун ЗАКОТ нисоби 1 грамм тиллонинг бугунги кунда бозорларимиздаги ўртача нархи 200 000 (икки юз минг) сўм эканлиги эътиборга олинди, закот нисоби 85 (саксон беш) грамм тилло, яъни 17 000 000 (ён етти миллион) сўм деб белгиланди. Мазкур сумманинг қирқдан бир (1/40) хиссаси, яъни 425 000 (тўрт юз йиқирма беш минг) сўми закот ниятида чиқарилади.

Фитр садақаси Пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи васалламнинг ҳадисларига биноан тўрт нарсадан чиқарилади. Улар бугдойдан ярим соъ, арпадан бир соъ, майиздан ярим соъ ва хурмодан бир соъдир. Бир соъ тақрибан 4 килограммга тенг.

Шунга кўра, бу йилги ФИТР садақасининг миқдори Тошкент шаҳар бозорларидаги нархга кўра:

- 2 килограмм бугдойдан 6 000 (олти минг) сўм;
- 4 килограмм арпадан 10 000 (ён минг) сўм;
- 2 килограмм майиздан 70 000 (етмиш минг) сўм;
- 4 килограмм хурмодан 100 000 (юз минг) сўм бўлади.

Ҳар ким ўз имкониятига қараб ушбу тўрт маҳсулотнинг хоҳлаган бир туридан фитр садақасини берса киёф.

Бу йилги ФИДЯ миқдори бир кунлик озиқ-овқати баробарида бўлиб, унинг ўртача қиймати 15 000 (ён беш минг) сўм этиб белгиланди.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

Юртимизда энг кўп қайси исм қўйилмоқда?

Дунёга келган фарзангга аввало муносиб исм танланади? Ҳамма исм ҳам ўзига хос маънога эга. Сўнгги вақтларда мамлакатимизда тўдақларга исм беришда энг оммабон танлов қайси бўлигани биланисми, деб ёзмада iza.uz.

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотига кўра, сарҳисоблар энг кўп оммалашган исм сифатида ўғил болаларга МУСТАФО, қиз болаларга СОЛИҲА исми кўп қўйилган. Бу исмлар дунёнинг деярли кўп қисми мамлакатларида мусулмон аҳли орасида оммабон ҳисобланади.

Юртимиз аҳолиси 2019 йил 1 январь ҳолатига 33,3 млн. эканлиги қайд этилган. Йиллик ўсиш сурати эса 597,4 мингга ташкил қилган.



ИМТИЁЗ

Сергелидаги уйлар нархи туширилади

Тошкент шаҳри Сергели туманида қурилган арзон уй-жойларнинг нархи ошиб кетгани, қурилишда айрим камчиликларга йўл қўйилгани аҳоли норозилигига сабаб бўлаётгани хақидаги хабарлар тарқалган эди.

Кеча Сергели тумани ҳокимлигида туманда барпо этилган арзон кўп қаватли уйларда истикомат қилаётган фуқаролар, тегишли вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, жамоатчилик вакиллари иштирокида комиссияларнинг ҳисоботлари эшитилди, дея хабар берди ЎЗА.

Иқтисодиёт ва саноат вазири Ботир Хўжаев таъкидлашича, республика миқёсида қурилиш материалларининг нархлари таҳлил қилинган, уларнинг каталоги тайёрланиб, давлат томонидан қурилиш ташкилотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчиларга берилган имтиёزلарнинг қўлланилиши ўрганилган, банк маржаси ва сугурта пулини камайтириш бўйича ишлар олиб борилган. 34-уй мисолида уйларнинг нархлари масаласи ҳар томонлама ўрганилган.

**Натижа уйнинг 1 квадрат метри нархини 3 981 700 сўмдан 3 253 100 сўмга тушириш ёки 18,3 фоизга арзонлаштириш мумкинлигини кўрсатди.**

Албатта ушбу уйда ишовчилар учун уйнинг ҳар бир квадрат метри учун 728 600 (етти юз йиқирма саккиз минг олти юз) сўм ёнга қолиши хақидаги хабарни йиғилганлар катта хурсандчилик билан кутиб олди.

ОИЛА

Бугун мамлакатимизда 8 миллион 300 мингдан ортиқ оила мавжуд бўлиб, шундан 2 миллиондан кўпроғи ёш оилалардир. 15 май – Халқаро оила кунига бағишлаб, жойларда турли тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган. Шу муносабати билан, Ёшлар пресс-клубининг «Менинг оилам – менинг бахтим» шиори остида навбатдаги сессияси бўлиб ўтди.

Халқаро оила кунини кенг нишонланади

«Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази психологи Феруза Акрамованинг қайд этишича, «Фаровон оила — жамият равнақининг асоси» номли телемарафон, «Фаровон оиланинг бунёдкори бўлайлик» шиори остида ҳафталик ташкил этилади. Ижодий иншолар танлови, узоқ йиллардан бери умргузаронлик қилаётган оилалар билан ёшлар ўртасида учрашувлар ўтказилади. Буларнинг барчаси оила деб аталмиш муқаддас кўрғонни ҳар томонлама мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Шунингдек, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан оилаларда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш мақсадида 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган барча оила аъзолари иштирокида юриш ва югуриш марафони ўтказилади.

— Мустаҳкам ва соғлом фикрли оила барпо этишда китобларнинг ўрни бекиёс, — дейди Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши Ёш оилалар билан ишлаш бўлими раҳбари Гулчехра Ашурова. — Оила аъзолар бугун китоб мутолаасига бефарқ бўлмаса, оилавий китобхоналиклар йўлга қўйилса жамиятдаги жуда кўп муаммолар ўз-ўзидан барҳам топади.

«Оила» маркази томонидан «Оила» энциклопедияси ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан «Бўлажак куёвларга эслатма», «Бўлажак келинларга эслатма» каби нашрлар чоп этилган. Сессия давомида ушбу китоблар тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Шокиржон НОРМУҲАММАДОВ,  
ЎЗЖОКУ талабаси

# ОНА ТИЛИМ ЎЛМАЙДИ!

## Йўл қўйиб бўлмайдиган хато

Шухрат СИРОЖИДИНОВ,  
Алишер Навоий номидаги  
Тошкент давлат ўзбек тили ва  
адабиёти университети ректори

— Минг афсус, бугунги кунда она тили тақдири учун кайғуриш туйғуси миллатимизнинг ҳар бир фарзандида қалб амри даражасига кўтарилган, дея олмаймиз. Акс ҳолда, Ўзбекистонда рус тилига расмий тил мақомини бериш таклифи илгари сурилмаган бўлар эди.



Мурожаат нихоятда пухта ўйланган режа асосида тайёрланганлиги кўриниб турибди. Бизнинг «огрикли» нукталаримизга ургу бериш орқали ночор қилиб кўрсатишдан тап тортмаслик хануз орамизда ўзини «фидойи ватанпарвар» кўрсатган миллий гоёмиз душманлари кўпчилигини кўрсатади. Мен бу ўринда уларнинг ҳар бир мулоҳазаси кетида нима анқиб турганини яхши тасаввур қилиб турибман.

Конституция ва қонунлар орқали ҳуқуқий мустақамлаб қўйилган она тилимизни ҳимоя қилиш ўрнига бизнинг рус халқи ва унинг тилига бўлган чуқур ҳурматимиздан фойдаланиб ўзларининг хуфия мақсадларини амалга оширишга киришганлигидан уларнинг миллати ўзбек эканлигига шубҳа қилиб қолдим. Бу жирканч мақсад остида жамиятни пароканда қилиш, юртимизда тинч-тотув яшаб келаётган миллат ва эллар ўртасига нифок солиш, онги тўлиқ шакланмаган ёшларни хаёлини бузиш режалари йўқ дейсизми? Рус тилини иккинчи расмий тил сифатида киритиш таклифи бир баҳона, холос!..

## Мақсад — сувни лойқалатишми?

Абдулхай СОБИРОВ,  
профессор

— Ошқоралик, демократия никоби остида халқ қалбадаги энг теран риштан «чертиш», у билан ҳазиллашиш эмасми бу?!



Шундоқ ҳам рус тили ва унинг ривожланишига ҳеч ким тўсқинлик қилаётгани йўқ. «Давлат тили» ҳақидаги қонуннинг тегишли жойларида рус тилининг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни кўрсатиб қўйилган. Л.Толстой, А.Пушкин, М.Лермонтов асарларини ҳамма жойда тарғиб қилиб юрибмиз. Шу кунгача рус миллатига мансуб биронта шахс ўз она тилига нисбатан ўзбекларнинг менсимай мурожаатда бўлаётгани ҳақида шикоят қилгани ҳам йўқ. Яна ўзимиз... Бугун бизга битта рус тили эмас, улуг маърифатпарвар адиб Махмудхўжа Бехбудий айтганидек «тўртта тили ўрганиш» ҳам камлик қилиб қолди... Ўзбекистон дунё мамлакатлари билан бўйлашаётган, ҳажонда ўз ўрнини топишга астойдил уринаётган бир пайтда бундай субъектив ёндашиш фойда келтириш ўрнига зарарга ишлайди. Рус халқи билан ўртадаги муносабатларимизни лойқалатишга олиб келади.

30 апрель куни vesti.uz сайтида «Русский язык нам не чужой» сарлавҳаси остида бир гуруҳ шахслар Ўзбекистонда рус тилига расмий тил мақомини бериш, бунинг учун мамлакат қонунчилигига зарур ўзгариш киритиш таклифи билан чиқди. Муаллифлар охириги йилларда Ўзбекистонда рус тилининг фақат хорижий тиллардан биттаси сифатида ўқитилиши қанчалик тўри эканини савол остига олишган. Уларга кўра, рус тилига ўзбек ва қорақалпоқ тиллари билан бир қаторда расмий мақом беришни «хаётнинг ўзи тақозо қилмоқда». Энг қизиғи, бу ташаббус муаллифлари ҳозиргача мамлакатимиз зиёли қатламида бўлиб келган ўзбеклар эканидир.

Бу таклиф кўплай оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, ижтимоий тармоқларда катта баҳс-мунозарага сабаб бўлди. Биз ушбу масалага расмийлар, олимлар, зиёлиларнинг ўз ва турли ОАВда билдирган фикр-мулоҳазаларидан айримларини қисқартиришлар билан эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.



## «Индамаслик — розилик аломати»

Шерзод ШЕРМАТОВ,  
халқ таълими вазири

— Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига бу йил 30 йил тўлади. Биз бу санани яхшилаб нишонлашга тайёргарлик қилиш ўрнига, қайсидир «зиёллар» томонидан рус тилини ҳам расмий тил этиб белгилаш керак деган таклифига индамай ўтирибмиз. «Индамаслик — розилик аломати» деб қабул қилаётганлар ҳам топилиб, бу қайсидир «зиёллар» позицияси эмас, айнан Давлат томонидан олдинга сурилган таклиф деб ҳам талқин қилаётганларни кўриб, ўз фикримни билдиришим зарурлигини тушуниб етдим.

Чет тилларини имкон борича ўрганавериш керак, лекин бу дегани ўз она тилини эсдан чиқариш дегани эмас. Ўз тилимиздан ва миллатимиздан гурурланиш ҳиссига эга бўлсақкина мамлакатимиз ривожланишига эриша оламиз.



## Мурожаатга алоқаси борлигини рад этди

Юқоридаги мурожаат эълон қилинганида муаллифлар орасида «Демократия ва инсон ҳуқуқлари» институти директори Сайёра Ходжаеванинг ҳам исм-шарифи келтирилган эди. Кўп ўтмай Сайёра Ходжаева бу ташаббусга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини ижтимоий тармоқдаги саҳифасида маълум қилди.

«Шу кунларда, ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилинаётган тил масаласидаги мурожаатномага оид баҳс-мунозараларга менинг алоқам йўқлиги тўғрисида, ойдинлик киритишни лозим деб ҳисоблайман.

30 апрель куни «Vesti.uz» сайтида чиққан мурожаатномани кўриб, мен дарҳол ушбу сайт раҳбари кимлигини ва телефонларини қидиришга тушдим ва А.В.Березовский эканлигини аниқлаб, улардан, мен бу ҳужжатни ёзмаганлигимни, тайёрлашда иштирок этмаганимни ва қўл қўймаганимни сабабли, мурожаатчилар сафидан, менинг фамилиямни олиб ташлашни талаб қилдим.

Бундан 3 ойча олдин журналист А.М.Ходжаев, рус тилини аҳамияти ҳақида фикр сўраган эди. Тилини билиш инсонни ўзи учун, дунёқарашни кенгайтириш ва ўз ҳуқуқларини қаерга борганда ҳам, ҳимоя қилиш учун, муҳим восита деган фикримни доимо айтиб келганман. Бу гапимдан тонмайман, чунки, бу фикрим фақат рус тилигагина тааллуқли эмас. Менинг фикримни бошқача талқин қилиб, ўз мулоҳазаларини билдирган инсон учун, мен жавоб бермайман...»

Сайёра Ходжаеванинг фикрларидан ўринли савол пайдо бўлади. Нега нотўри ахборот тарқатган оммавий ахборот воситаси, яъни vesti.uz сайти ўқувчилардан, қолаверса, Сайёра Ходжаевадан расман узр сўрамади? Нега сайт жавобгарликдан осонгина қутулди?



## Она тилига соя солиши мумкин

«Юксалиш»  
умуммиллий ҳаракати



«Давлат тили ҳамда замонавий Ўзбекистон ҳудудида кенг тарқалган ва ҳуқуқий мақомига ўзгаришлар киритилган рус тили билан бир қаторда ҳудудларда бошқа тиллардан ҳам фойдаланиб келинади. Мисол учун, Қорақалпоғистон Республикасида қорақалпоқ тили ҳам расмий тил ҳисобланади. Фарғона вилоятининг Сўх туманида эса аҳолининг аксар қисми этник тожиқлар бўлиб, у ерда тожиқ тилида таълим олиб борилувчи 24 та мактаб, 2 та лицей ва 2 та касб-хунар коллежи мавжуд. Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро, Наманган ва бошқа ҳудудларда тожиқ тилидаги ОАВ, мактаблар, лицейлар, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасаларининг бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Тошкент ва Навоий вилоятларида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида қозоқ тилида ўқитиладиган мактаблар ва олий таълим муассасаларининг бўлимлари мавжуд. Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида туркман тилида таълим берилувчи мактаблар фаолият кўрсатмоқда.

Юқорида келтирилган ҳақиқатларни ҳисобга олган ҳолда, «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати маълум бир тилга Ўзбекистон ҳудудида махсус мақом берилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисобламайди. Четдан кириб келаётган ҳар қандай хорижий тил таъсири она тили ва миллий маданиятга соя солиши мумкин.

## «Ташаббусни фитна, иғво, деб биламан»

Одилхон қорн  
ЮНУСХОН ўғли

— Шуни баралла айта оламан: Биз қайсидир тилга боғлиқ эмасмиз, рус тили бўлмаса, миллат сифатида дунё харитасидан ўчиб кетадиган даражада кичик миллат эмасмиз. Рус тилисиз ҳам ўз қаддимизни тик тутиб, обрўйимизни сақлаб тура оламиз. Чунки, бизнинг илдишимиз чуқур, асосимиз мустақкам. Махмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий каби минг йиллар аввал туркий тилда ижод қилган боболаримиз бор. Лутфий, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Машраб, Огаҳий, Фурқат, Завкий, Муқимий, Абдулла Қодирий каби туркий-ўзбек тилининг ривожига улкан ҳисса қўшган аждодларимиз бор. Биз ҳеч қачон ўзга тилларга қарам бўлмаганмиз.

Хуллас, мен бу ташаббусни фитна, иғво, деб биламан, илм-маърифат эгалари, юртини яхши кўрган ҳар бир инсон бундай ғайрли ҳаракатларга тиш-тирноғи билан қарши туриши керак.



Баҳс-мунозаралар кизгин давом этмоқда. Тил ҳақида гап кетганда, уни «онага менгзаш одат тусига кирган. Бундай ёндашув жаҳон тилларининг ҳаммасида деярли бир хил: ОНА ТИЛИ. Ваган, ота-она битта бўлганидек, она тили ҳам ягонадир. Миллий тилимиз меҳрини икки бўлиб бўлмайди.

# Мустақиллик учун ҳаракат

уруш даврида бошланган...ми?

Тахририятимизга Тошкент вилояти Қибрай туманидан мактуб келди. Ёши анча улуг инсон Ҳикмат Маҳсумов ёзган хатда Иккинчи жаҳон урушининг оғир ситамларидан лавҳалар келтирилган. Шу билан бирга, мактубда қизиқ бир факт — уруш даврида бир гуруҳ зиёлиларнинг Ўзбекистонни мустақил давлатга айлантириш ҳаракатини бошлагани айтилган. Ушбу хатни ўқувчилар эътиборига ҳавола қилишни лозим топдик.

Кузатишимча серфарзанд оилаларда кенжага эътибор кучлироқ бўларкан. Катталар нигоҳида улгайган бола билимли, зехли, бирор юмушга лаёқати билан тенгдошларидан ажралиб туради. Икки киз, тўрт ўғил орасида Насрилло тиришқоқ, бўладиган бола бошидан деганларидек, мактабни аъло баҳоларда тугаллаб, Москва давлат темир йўллари муҳандислиги институтига кирди. У ота-она бағридан йироқда, жаҳонга талабаларнинг бошдан кечирди. Ҳатто энг нозик туйғуларни ҳам ўзга тилда раво сўзлашга эришди. Жонфидо дўстлар, яхши-ёмон кунда елкадош танишлар орттирди.

Лиммо-лим орзулар канотида Тошкентга қайтгач, мактабда чизмачилик ва меҳнат фанларидан дарс берди.

Замондошлари, ўқувчиси бўлган одамлардан дарс эшувчи ҳақида илиқ хотираларни эшитганман.

...Тасодифни қарангки, бир неча йиллар аввал оғамнинг тенгдоши «Кафансиз кўмилганлар»

китоби муаллифи шоир Шукруллони учратиб, узок суҳбатлашдим. Аллоҳ инъом этган вазиятдан фойдаланиб сўрадим:

— Сиз узок Сибирнинг маҳкумлар сақланган Воркута, Игорка лагерларида бўлгансиз, эслай оласизми?

Шоир узок тин олиб, ҳаёлга толди...

Онамдан эшитганим, амакимнинг сўнгги мактублари Воркута, Игорка шаҳарларидан келган экан. Амакимнинг исм-фамилияси, ёши, Москвада тахсил олгани, адабиётга яқин бўлгани, «Муҳаббат ва давр» номли ёзган романи қораламалари борлигини эсладим.

У киши бир неча бор қошларини чимириб, кўзларини пир-пиратди. Воқеаларни эслашга уринди, афсус, барча ҳаракатлари зое кетди. Кекса шоирни ноқулай ҳолатга солганимдан умр айтиб, яна кўришмаси деган эзиди тавозе билан кузатдим.

...Биласиз, Иккинчи жаҳон урушидан бирор асорат қолмаган



хонадон йўқ. Не-не алп қомат йигитлар ному нишонсиз, исзис йўқолган.

Фашист босқинчилари Москва остонасига яқинлашганида, энди уйланиб, хали келиннинг васлига, дийдорига тўймаган Насриллога чақирик қозғоши келди. Қирқ йил уруш бўлса, ажали етган ўлади, деган нақл бор элимизда. Жаҳонни титратган уруш даҳшатлари Насриллонинг юрагига ҳам гулув солди.

**— Биз енгамиз! Ғалаба қозонамиз, дея фронтга отланди-ю, талабаликда бирга ўқиган дўсти, Сталиннинг кичик ўғли Василий билан боғланди. Оғир кунингда дўстлар ярайди, деганлари рост экан.**

Насрилло уруш синовларига кўникмаёқ, уч ойгина хизмат қилиб, жанговар сафлардан захирага олинсин, деган буйруқ билан

ортга қайтди. Унинг соғ-омон қайтиши, оназорининг яратгандан юртга омонлик тилаб қилган дуоларининг ижобати бўлса не ажаб.

**Уша тахликали кунларда тошкентлик ўн беш уюшган олий саводли гуруҳ аъзолари Ўзбекистонни СССРдан ажратиб олиш орзусида эдилар. Барча штамп ва муҳр амакимда сақланган. У замонларда иттифок миқёсида институтни битирганлар бармоқ билан санарли эди...**

Кунларнинг бирида амаким онамдан шимларига дазмол босишни сўрабдилар. У вақтларда ҳозиргидек электр дазмоллар йўқ. Оғир чўяндан ясалиб, саксовул ёки кўмир ёки, киздирилмаган дазмол бўлган. Онажоним шим киррасини тўғри эмас, галифе шимга ўхшатиб, ён томонга чиқарибдилар. Кула-кула амаким ўзлари дазмол босган эканлар...

Барибир, истиқлол орзулигича колди. Ўйчи ўйини ўйлагунча, таваккалчи ишини битиради, деган-

ларидек, исёнчи гуруҳ аъзоларидан кимдир сотқинлик қилди-ю, бир кечада ўн беш киши қамоққа олинди. Суд уларнинг барчасини халқ душмани таъғиси билан отувга ҳукм чиқаради. Аммо кўпчиликнинг «югур-югурлари» билан суд қарорини ўзгартиришга, «отув»ни 25 йиллик қамок жазосига айлантиришга эришадилар. «Жони омон бўлсин, ахир бир кун келади-ку», деган умид қолади ота-онада.

Уруш тугади, аммо урушдан оғир кунлар бошланади. Уруш тугайли нарх-наво осмонга чиқиб кетган эди. Ҳар йили март-апрель ойида маҳсулотларнинг баҳоси беш-ўн фоизга арзонлаштирилди. Урушдан задал бўлган халқ у кунни зориқиб, интиқиб кутарди.

Дом-дараксиз камалиб кетган амакимдан учбурчак қилиб буқланган хат келди. Кунлар ўтаверди, ҳаёт тўхтаб қолмади-ку. Умид билан турмуш қурган, қатта ховлида йўқдек бўлиб, қисиниб юрган келиноийм киз кўрдилар. Исмини отаси озод бўлсин деб, Озодахон кўйдилар.

Йиллар йилларни қувиб умр ўтавераркан. Бугун Озодахон ҳам улуг ёшларга етди. Бир неча келинларни кўрди. Набира-эварларнинг бувисига айланди. Кумуш айнимас, олтин зангласмас деганлари бежиз айтилмаган...

Ҳа, истиқлол ўз-ўзидан бўлган эмас. Ўзбекистоннинг озод, порлоқ йўлини орзу қилганлар, истиқболга умид бағишлаганлар сон-саноксиз эди. Биз ҳикоя қилган бо узук-юзуқ лавҳалар, Насрилло оғамга ўхшаганлар тақдири ҳам ана шундан сўзлайди.

**Ҳикмат МАҲСУМОВ,**

*Тошкент вилояти Қибрай тумани*

**Бу майдон атрофидан ўтаётганда одамни қандайдир бир кучли масъулият, ўйчанлик, ўтганлар ёди билан боғлиқ хотиралар чулғайди. Уруш тугайли азиз жонлари фидо бўлган ота-боболаримиз руҳи кезиниб юрганидандир бу балки... Ўйланиб ўтирган мотамсаро она сиймоси-ҳаммамизнинг бувиларимизга ўхшаб ишланган, назаримда. Масалан, менинг энам ҳам у аёлга ўхшарди. Тақдири ҳам...**

## Мотамсаро она — менинг энам



«1941 йил бўлса керак, — деб хотирлайдилар 81 ёшни қарши олаётган онам. — Наманган тумани Бешкапа кишлоғимизда урушга олиб кетишлар бошланди. Катта отамнинг 5 ўғлини ҳам бирин-кетин урушга олиб кетишди. Қозоқбой отам ака-укаларнинг энг кичиги бўлган. Ўшанда мен 3,5 ёшда, Абдумажид укам 20 кунлик чақалоқ экан. Отам хали чилласи чикмаган гўдагини бағрига босиб хайрлашади, икки норасидани ўзи ҳам эндигина 19 ёшлар атрофида бўлган аёли Лола энамга ташлаб, туғилган юртимдан насибаси узилмасин деб, тандирда ёпилган нондан катта тишлаб, қолганини келганда ейиш умиди билан урушга жўнаб кетган эканлар».

...Эрининг ортидан йиғлаб қолсада соғинч изтиробини билдирмай орият пардаси беркитган экан, бор аламини меҳнатдан олади. Икки пополонини ўлимдан сақлаб қолиш илинжида тинмай ишлайди.

Чунки уруш ортида қолган оилани боқиш захмати у каби ёшу қари хотин-халажнинг елкасида эди. Энамиз ўша пайтларда эртдан кечгача 2 таноб ер қолиб, эвазига 1 та нон олиб келар эканлар. Гоҳ-гоҳида, у ҳам топилганида 1-2 ховуч қора ундан пиширилмаган умоч оши. Ёки бирон хил сабзавот қайнатмаси. Туршак, жийда. Бутун оиланинг ейдиган овқати шу.

Шундай қийинчиликлар, очарчилик уруш тугаганидан кейин ҳам давом этди. Соғинч билан эрини кутаётган энам умидли кўзларини эшикка қадайдди. Ҳар замонда кишлоқ оралаб қоладиган почтачидан нажот кутади. Қозоқбой отадан хат-хабар келган ёки йўқлигини ўшанда ҳали жуذا кичкина бўлган онам эслолмайди. Уруш тугаганида Кенжа бобонинг 5 ўғлидан бирингаси қайтиб келди. Уч ўғилдан қорахат келди, уларга аза очдилар. Қозоқбой отадан эса на қорахат келди ва на ўзи. Бедарак

кетди. У ёқда нималар бўлди экан? Ота тақдири не кечди экан... Буни саводсиз энам ва кайнота-қайнонасида билишолмайди.

Оғир меҳнат азоби, айрилик изтиробини ёлғиз ёстиги билан бўлишган энам тик этса эшикка қараб умрини ўтказди. Қозоқбой ота урушга кетганида энди 20 кунлик бўлган Абдумажид тоғам 10 ёшга кирганида хасталикка чалиниб вафот этади. Ҳали 30 га ҳам қирмай ўтин бўлаёзган энам суянган тоғи, ўғилчасидан ҳам айрилган эди... Кейин энамни акаси ўзлари ёққа Норин туманига олиб кетдилар. То 72 ёшга кириб бу дунёдан кўз юмгунича урушга кетиб бедарак бўлган турмуш ўртоғини кутиб яшаган муштипар оналарнинг бири эди — менинг энам.

Мен бувимнинг ҳаётлик пайтларидаги сўнгги йилларини эслайман. 13-14 ёшларимда синглим билан уйимиздан уч қақирим узокдаги Хожинтол кишлоғига бувим-

дан хабар олгани борардик. Онам ўзлари ёпан 4 та нонни орасига қувида пишилган сариеғдан тугиб берардилар. Синглим иккимиз пиёда далайўл бўйлаб жўнардик. Кексайиб қолган бувимга бироз қарашини баҳонасида 3-4 кун ёнлариди қолардик. Бир уй бир дахлиздан иборат саришта ва бироз нафталин хиди келиб турадиган уйлари бирам покиза, бирам файзли эдики... Кўрпачалари камида 40 та келарди. Мен хар сафар борганимда бироз кўрпачани бувим қачон ишлатар экан деб ўйлардим. Уй тўридаги жавонда ҳеч бўлмаса 1-2 дона мева бўларди. Доим борсақ шу меваларни бизга илиниб, сийлардилар.

Бирон жойга чиксалар бошларига катта қочини доқа рўмолларини ташлаб юрадиган энам кўча-кўйда номаҳрамларни кўрсалар бир кўллари билан рўмолини кўтариб юзларини тўсиб ўтардилар.

Бунинг номи ифбат, ҳаё ва қадрият. Қотмадан келган, бандан қаддилари бироз буқилган, чўзинчоқ юзли бутгўйранг энамнинг чуқур кўзлари доим маънос бокарди, назаримда. Умуман олганда мақола бошида келтирганим Мотамсаро она ҳайкали сиймоси худди менинг ўша юраги ўртаниб кетган, устозлар иборасича айтганда «кўзлариди мунг қотиб қолган» энамга қараб ишлангандай. Худдики, Қозоқбой отани кутиб тунарлини тонга улаётган муштипар энамдай бу ёдкорлик. Сал бериди эса номлари темир дафтрга ёзилганлар. Наманган вилояти Наманган туманидан урушга кетганлар рўйхатида бобонинг исми ҳам бор.

Кенжаев Қ. Урушга кетган вақти — 1942 йил. Қайтган вақти — XXXX.

Буни фарзандларимга кўрсатаман. Бобом ҳақида сўзлаб бераман. Уруш бўлма-сайди, улар ўлмаसाиди. Қаерларда қолиб кетдигиз бобожоним... Тақдирингизга шундай кунлар битилганмиди сезинг...

Рухингиз тинч бўлсин, илоҳим!

**Ф.Тоқибоева**  
(122.uz)



Одамзотнинг феъл-атвори, хатти-ҳаракатлари ёши сингари вақт мезонлари таъсирида ўзгариб боради. Гўдаклигда эмалдайд, тили расида бўлмагани боис гўдранди, болалик чоғида ажабтовур ўйинларни ўйнайди. Вояга етгач ёшлик шавқи билан тўлиб-тошади. Умри улуглик ёшига етгач эса табиатида вазминлик, донишмандлик ва салобат намоеён бўлади.

Кекса одам нега кўпроқ тафаккур соҳиби сифатида кўзга ташланишини биласизми? Инсон умрнинг ҳар бир фаслига хос равишда ўзини тутишга одатланиб боради. Улуғлик ёшида ҳеч қачон болаларга хос одатларни қилмайди. Бундай қилишни истамайди ҳам. Кекса одам норғул йигитлар қийимини кийиб, тўй-базмларда ҳақалак отиб ўйин тушиб қолса борми, нақ кулгига қолади. Ёхуд чувак кампир лабларини қирмизига бўяб, ажин босган юзларига упа-эликлар суриб, оқарган сочларини ёйиб, қалта юбкалар билан кўчага муқом билан чиқишини тасаввур қила оласизми? Албатта, йўқ, бу қипқизил бачканалик! Буни шунчаки хаёлга келтиришнинг ўзидан киши уялиб кетади.

Ҳадиси шарифлардан бирида Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳазратлари томонидан кекса бўла туриб ёш болалар одатини қиладиган кишилар қаттиқ қоралангани ривоят қилинади.



## Умр йўлларидаги захира етарлими?

Алишер Навоийнинг  
*Юз сеҳр қилса кимгаки*

*эллиқдин ўтди ёш,*

*Атфол суҳраси қилур*

*атфолдек маош,*

матласи билан бошланувчи ғазали ана шу ҳадиси шариф маъносини ташийди.

Матланнинг маъноси: «Юз сеҳр қилса ҳам ёши эллиқдан ўтди, лекин у атфол, яъни боладек қилиқ қилади».

Нафси саркашлиқ қилган киши кексалиқ билан муроа қилишни хушламайди. Ўзини ёшлардек ўқтам ва норғул кўрсатишга тиришади. Бироқ табиатнинг қонун-қондаси уни зимдан ўз измига солаётганини англаб етмайди.

*Улқим соқол бўяр*

*ҳавас тутиши бошига,*

*Бўямоқ соқол қора не осие,*

*чун оқарди бош,*

деб ёзади Навоий ўша ғазали давомиди.

**Соқол оқини қорага бўяб**

**кексалиқни яширган билан бошидаги сочлар унинг қарилгини фош қилиб қўяди. Бу эса янада масқараомуз. Соқол ва сочни бўяб қариялар йигитлардек кўриниши мумкин. Лекин уларнинг фаҳм-фаросати қомилликка етмаса — баттар уят.**

Киши ёши улугликка етгач, унинг нафси ҳам сокинлашмоғи авло. Кексайган чоғда очкўзлик боис мол талашиш обрўдан мосуво қилади. Баъзи бир тоифа одамлар ўзини мол-дунё ва жоннинг мутлак ўзгармайдиган, абадий соҳиби деб билади. Ҳолбуки, англаб етмайдики, унга «жон талашиш» вақти етган. Ҳазрат Алишер Навоий буни қуйидаги байтда шундай қаламга олади:

*Гўёки молу эсон чин эрур*

*негаким қари,*

*Чун етти эсон талашқоли*

*ул мол этар талош.*

Одатда парда бирор нарса ни яшириш ёки бирор нарсдан тўсиб туриш учун

истиғода қилинади. Эшиқ ва деразаларга эса бу матоҳ қучли ёруғликни тўсиш учун илинади. Кўзидан нури кета бошлаган қария учун парда не даркор? Дунёга — атроф-жавонига хирс ила боқишдан тўсиб тургувчи ягона омил бу — унинг кўзи ожизлиғидир. Ахир унинг қароқлари «музавий», яъни хилватга чекинган. Қолаверса, салқин қабоклари, ўсқин қошлари осилиб қоляпти. Қабокларини кўтариб атрофга суқланиб қарашга соҳибнинг мажолли етмайди. Қарилқ чарчоғи қабокларга ҳам етган. Осилган қабоклар, ўсқин қошлар ҳам бир ҳожиб, яъни парда мисоли. Буни ҳазрат Навоий шундай тасвирлайди:

*Ҳожиб нетар бировки*

*кўзи бўлди музавий,*

*Эв гўшасида доғи*

*анга ҳожиб ўлди қош.*

Нафакат музавий, яъни хилватга кетган қаби чўқиб қолган кўзидан, балки бурнидан ҳам сув оқаётган қарияни ҳеч кўрганмисиз? Устига-устак унинг силласи қуриганидан оғзидан шўлақай, яъни сўлағи ҳам тинимсиз оқади. Йигитлик ҳавасини дилида зўрма-зўраки ушлаб, соқолини қорага бўяган чолнинг бу аҳволни зимдан қузатган Навоий унга ачиниб, ушбу байтни ишшо қилади:

*Юздин тўқар сув улқи кўзи,*

*оғзи, бурнидин,*

*Эл олдида оқар шўлақай*

*бирла суву ёш.*

Ёшлиқ чоғида инсоннинг юзи офтобдай нур таратиб туради. Шайблғи, яъни кексалиқ даврида эса юзи заъфарон тусга кириб, сарғайди. Умр кўши сўниб борар экан, гўё у ҳолсизликдан сарик тусга қиради. Инсон умри қарилқ билан поёнига етиши гўё кўёнинг боши арафасидаги сарғайишига мензайди. Кўёнинг сарғайиши — унинг уйқуга кетишидан белги. Одамзот ҳам қариб-қартайгач, абадий уйқуга чўмади. Бу мазкур байтда шундай талқин қилинган:

*Эйким, юзунг кўёш эрди,*

*саргарди шайбдин,*

*Билгилқи, саргарур уёқур*

*чоғида кўёш.*

Қарилқ — умрнинг машаққатли йўли. Уни раволаштириш иложи йўқ. Агар шоҳ ва гадо, қайсару ювшош бўлсанг ҳам бу изтиробли йўлдан юриб ўтишга мажбурсан. Чунки табиат расм-қондаси шу. Навоий буни теран англаштишга ҳаракат қилади:

*Оллингда блати қошиғ*

*йўлу қатъига йўқ гузир,*

*Гар шоҳ, гар гадо бўлу гар тунду,*

*гар ёвош.*

Кексалиқнинг укубатли йўллариди на мансаб, на мол-дунё, на қариндош-уруғ эминлик беролади! Бу йўлда кишининг ҳаёти давомиди қилган хайрли ва эзгу амалларигина яхши зод, яъни озика бўла олади:

*Билқим, бу йўлда зод эрур*

*аъмоли хайру ба*

*Йўқ илму фазлу мансабу молу*

*уруғ-қайш.*

Агар одам яшаб ўтаётган умри давомиди хайрли ва эзгу амаллардан самарали озика тўплотмаган бўлса — таассуфланарлиқдир. Бундай ҳолда қарилқ йўли хавф-хатарларга тўлиб-тошади. Ундай кишининг дунёга келмагани ёки туғилиб-оқ ўлгани афзал саналади.

Халқимизда «Охири бахайр бўлсин!» деган эзгу тилак бор. Умр интиҳоси расвогарчилик билан туғаша одам учун фожиа саналади.

*Жуз бийм оқибат иши*

*маълум эмас, киши*

*Тугмаси эрди ё тугубон*

*ўлса эрди қош,*

деб ғазалини поёнига етказида Навоий ҳазратлари.

Шоир ушбу ғазалининг сўнгги байтида одатга зид ўлароқ ўз тахаллусини қўлламаган. Ғазал кишилини ҳаёт чашмасидан унумли фойдаланиш, эзгу ва хайрли амаллар озикасидан захира — савоб тўплашга даъват этади. Ғазал бошдан-охиригача умр йўлларида оқимлаётган инсонни хушёрлик ва серғакликка чорлайди.

Эрпўлат БАХТ

### ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

## Ғийбатту тухмат кимга, нима учун керак?

Ҳар бир маҳалла, кўчанинг «миш-мишчи, бошқача айтганда, гап ташувчи аёллари бўлади. Улар ҳар бир ахборотдан хабардор бўлишадиган гўё. Ким келини билан уришган, ким эри билан тортишган — барчасини билишадиган. Мана, уларнинг «заҳматли меҳнати»дан бир парча.



Акмал жуда ёш уйланди. Даб-дабали никоҳ тўйига қўпчилик келди. Ёш келин-қувв, кайнонаю кайнота қувончдан ўзини кўярга жой тополмайди.

— Ассалому алайкум! Яхши ётиб турдингизми, — дея чой узатаётган келин барчанинг ҳавасини келтирарди.

— Барака топинг келин-пошша. Келинг ўзингиз ҳам нонушта қилиб олинг, — дейди кайнона фаҳр билан.

Келин эса минг истиҳола билан кейинроқ чой ичишни айтиб, уй ишларига шўнғиб кетди. «Келиннинг олиб-югуриб

хизмат қиладигани томоша қилиш қанчалик мароқли. Мана, орзу-ҳавас деганлари шу бўлса керак», кўнглидан ўтказди Сапура ая. Акмал эса ота-онасининг дуосини олганча, ишга отланди. Эшик ортида уни қузатган келинчак ҳам бу манзарага ўзгача киёфа бахш этарди.

Буни узоқдан кузатиб турган кўшни аёллардан бири йигитни тўхтатди.

— Вой, Акмалжон яхшимисиз? Тўғриси бир гап эшитиб қолдим. Айтмай десам тилим, айтмай десам ён кўшимсиз, сизга жоним ачийди.

**Ёшлар ажрашиб кетиши. Ғийбатчи аёлларнинг гаплари гулдек оиланинг бузилишига сабаб бўлди. Ҳа-я уларга яна гап топилиди: «Эри тутиб олибди-да, шунга ажрашибди...»**

— Салима опа тезроқ айта-қолинг, нима гап? — дея шоширди.

— Ҳа, майли айтганим бўлсин. Аёлингиз бир йигит билан тўйдан олдин учрашиб юрган экан, сиз эҳтиёт бўлинг тагин

ҳалиям учрашаётган бўлмасин... — Бундай бемаза гапларни қаердан топдингиз. Бу бўҳтон. Мен аёлимни яхши биламан, унга ишонаман, — дея Акмал ўз йўлида давом этди.

Шундай бўлса-да кўнглига шубҳа оралади. Кўчасида иккита аёлга кўзи тушиди дегунча, улар Акмалга қараб нималарнидир ўзаро пичирлашаётгандек туюларди. Борган сари аёлининг нон олишга чиқиб кетиши ҳам уни шубҳа-ғумонда қолдира бошлади. Кўшни аёл ёлгон гапларни бутун маҳаллага тарқатиб бўлган, одамлар оғзиди гаплар Акмалнинг дўстларига ҳам етиб борганди.

Бу бўҳтонлар ўз навбатида кайнонанинг ҳам қулоғига чалинди. У эса келиннинг ҳар бир хатти-ҳаракати, сўзларидан айб излайдиган бўлиб қолди. Қунлардан бир кун уйига эртароқ келган эр хотинини уйда телефонда гаплашаётганини кўриб қолди. Минг ҳаёлга бориб, ўйлаб ҳам ўтирмасдан:

— Қўлга тушдингми енгил-так. Ўйнашинг билан гаплашаёсанми? — дея аёлни турткилай кетди. Уйда тўс-тўполон қўтарилди. Келин хушидан кетди. Бу орада кизнинг ота-ониси ҳам етиб келди. Қаердан билишди дейсизми? Ахир киз бечора онаси билан гаплашаётганди-да. Кўнгли беҳузур бўлаётганини айтганида онаизор қанчалик қувонганди-я. Қизининг аҳволни, айниқса, хомиланинг нобуд бўлганини билган ота-она фарзандини бу уйда қолдирмади. Турли гап-сўзлар кўпайиб, оила пароканда бўлди.

Ёшлар ажрашиб кетиши. Ғийбатчи аёлларнинг гаплари гулдек оиланинг бузилишига сабаб бўлди. Ҳа-я уларга яна гап топилиди: «Эри тутиб олибди-да, шунга ажрашибди...»

Афсуски, бу тўқиб чиқарилган хилоқ эмас. Бундай воқеалар менинг ёки сизнинг маҳаллада бўляпти ва давом этмоқда. Хўш, бунга ким айбдор?..

Муҳаммадсодиқ ТўРАЕВ

# «Кегейлидавсுவмахсуспудрат»

давлат унитар корхонаси жамоаси

*Юртимиз аҳлини*

*9 май — Хотира ва қадрлаш куни*

*муносабати билан самимий*

*муборакбод этади!*



**Хотира — абадий, қадр — муқаддас!  
Аждодларимизнинг ўчмас хотираси доимо  
қалбларимизда мангу яшайди!**

*Осмонимиз мусаффо,  
юртимиз тинч бўлсин,  
дастурхонимиздан  
қут-барака аримасин!*

Эълонлар

**Мактабнинг 90 йиллик тўйига марҳамат!  
НУРАФШОН ШАХРИДАГИ 4-УМУМий ЎРТА ТАЪЛИМ  
(СОБИҚ ТҲЙТЕПА ШАХРИДАГИ ЙҮЛДОШ ОХУНБОЕВ  
НОМЛИ) МАКТАБИ МАЪМУРИЯТИ**

Мақтаб ташкил топганлигининг 90 йиллиги муносабати билан мактаб тарихидаги барча битирувчиларни 2019 йил 25 май куни ўтказиладиган собиқ синфдошлар учрашувига **ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

ЎзДЖТУ томонидан 2016 йилда Тохирова Муқаддас Қодир кизига берилган В № 888559 рақамли диплом ва иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ЎзДЖТУ томонидан 2016 йилда Абулкасимова Покиза Хамзаали кизига берилган В № 886172 рақамли диплом ва иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ЎзДЖТУ томонидан 2014 йилда Комилов Мирсаиданвар Ортикбой ўғлига берилган В № 725184 рақамли диплом ва иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

# Чақнаб турар умид ёлқини

Реклама ўрнида



Наманган муҳандислик-технология институти жамоаси таълим-тарбияни бугунги замон талаблари асосида, ота-боболаримиздан қолган маърифий анъаналарга мос тарзда ташкил этишга астойдил киришган.

**INSTITUTIMIZGA  
MARHAMAT!**

Йиллар шамолдек манзили томон елмоқда. Инсон ақл-заковатини янада кўпроқ барқ уриб, изчилроқ ва равшанроқ фикрлашга ундаши учун у доимий тарзда ўқиб-ўрганиши, тафаккур қилиши лозим бўлади. Айтишди-қу, одам боласининг рухий дунёси канча кенг бўлса, илм сўқмоқлари ҳам шу қадар тубсиздир. Тугма қобилият соҳиблари-ю, зукко инсонларнинг юрар йўлини илмнинг ёрқин машъаласи доимо ёритиб туради. Чунки, бугунги кунда дунёқарашлар, фикрлар олами, теранлик ва жавобгарлик шу қадар илғорлашиб, илдамлаб бормоқда. Тўғри, бундай ўзгаришлар жараёнида илмнинг ҳам ўзига хос салмоқли ўрни бўлиши табиий ҳолдир.

Бутун дунёда бўлгани сингари юртимизда ҳам ёшларга барча илмларни пухта эгаллаши учун зарур шароит яратиб, иктидор ва истеъдод эгаларига кенг йўл очишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Зотан, илм йўлини маҳкам тутмасдан туриб юксак ва сарбаланд довоиларни забт этиб бўлмайди. Ана шу йўлга бошлаш учун мамлакатимизда ёшлар олий ўқув юртиларига кенг қамраб олинмоқда. Мақсад — ёш ниҳоллар ўзи ёқтирган касбнинг устаси бўлиб етишсин, келажак ҳаётини, эртасини ўзлари бунёд этсин.

Наманган муҳандислик-технология институтида ҳам қалбига ана шундай эзгу ниятларни жо этган ёшлар билимининг ҳар бир киррасини чуқур эгаллашга астойдил киришган. Уларнинг сони бугун уч минг икки юздан ортик. Чуқур билимга эга, зийрак, қобилиятли талабалар тенгдошлари ва устозлари олдида муваффақият қозонишга интилиши ҳам бор гап. Гўёки, бу билан улар ўз иктидорларини барча соҳада кўрсатишга интиломоқда. Аҳамиятлиси, ана шу масъулиятли ва шарафли юмушни қойилмақом этиб удаллаётган намунали талабалар сафи йилдан-йилга кенгаймоқда.

## Олим бўлсанг — олам сеники

Ёшлигиданок олим бўлишни, дунёнинг барча сир-асрорларини миридан-сиригача англаб етишни дилига тугмаган бола бўлмади керак. Негаки, олимликнинг ҳам ўзига яраша мураккаб ва шарафли жиҳатлари бор. Шунинг учун кексалар гап келганда набираларига «Олим бўлсанг — олам сеники» деган гапни бот-бот тақрорлашдан сираям эринмайди. Аслида бу

фикрда салмоқли маъно мужассам. Халқнинг бу сингари доно сўзига амал қилган институт жамоаси «Ёш олимлар кенгаши» фаолиятини йўлга қўйган. Аҳамиятлиси, мазкур кенгаш саъй-ҳаракати ва ташаббуси билан биргина ўтган йилнинг ўзида тўрт маротаба семинар тренинг машғулотли ўтказилди. Бундан ташқари мамлакатимизнинг кўзга кўринган олимлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги ходимлари билан учрашувлар ташкиллаштирилди. 2018 йилда илмий-техник лойиҳалар танловида қатнашган олти нафар ёш олимнинг лойиҳалари бир овоздан ғолиб деб топилиб, улар дарҳол молиялаштирилди. Шунингдек, тўрт нафар талаба Хитой, Малайзия ва Жанубий Корея сингари хорижий давлатларнинг нуфузли олий ўқув юртилари магистратурасига қабул қилинган бўлса, олти нафар ёш олим Россия Федерацияси, Хитой халқ Республикаси ва Ҳиндистондаги олийгоҳларнинг докторантурасида ўқишга муносиб деб топилди. Эндликда ёш мутахассислар яратилган имкониятдан самарали фойдаланиб, ўз билим доирасини ошириб бориши зарур бўлади.

## Маҳоратнинг юксак чўққиси

Ҳаётда қатъий туриб риоя этилган бир қоида мавжуд. Инсон ўз маҳоратини энг юқори чўққига олиб чиқиши учун доимо уч нарсага амал қилиши талаб этилади. Булар ўзи бажараётган юмушга

чексиз муҳаббат ва садоқат, кунлик фаолиятнинг ажралмас қисмига айланиб қолган темир интизом, учинчиси эса илжожи борица одамларга, эл-улусга яқин бўлишдир. Алқисса, ана шу қоидаларга сўзсиз амал қилган кишининг иши ривож топиб, йўлида қокимлайди.

— Аслида ҳаётдаги ҳар бир воқеликнинг ўз тизими, кичик-кичик зарралари, марказий ядролари бўлганидек, илмнинг ҳам, таълимнинг ҳам ўзига хос ва мос жиҳатлари, иклими, зарра-ю, ядролари мавжуд бўларкан, — дейди **Наманган муҳандислик-технология институти ректори, физика-математика фанлари доктори, профессор Одилжон МАМАТҚАРИМОВ.**

— Фақатгина бутун борлигини танлаган соҳаси ривожига бағишлай олганларгина илмнинг шундай машаққатли зарраларини тўплай олади ва бу йўлдан дадил юради. Илм алдам-қадамлик, сохталик билан асло мураса қила олмайди. Қаердаки, фозил, оқил одамлар сероб бўлса, шубҳасиз, айнан ўша жойда илмий-ижодий муҳит юзага келиши кўп бор кузатилган. Илм даргоҳимизда бугун давлатимиз раҳбари олий таълим тизимининг олдида қўяётган талабдан келиб чиқиб, фикри кенг, узқоқни кўра биланган, хорижий тилларни биланган, янгиликлардан бохабар профессор-ўқитувчилар сафини кенгайтиришга асосий эътиборни қаратганмиз. Бунинг учун қучли ақл ва ҳикмат соҳиблари бўлган уч юзга яқин устозларнинг билим ва кўникмаси асқатмоқда. Таълим ва илмий изланишлар натижадор-

лиги узлуксиз равишда ошириб боришмоқда. Ўз навбатида, бунинг самараси ҳам аста-секинлик билан кўриняпти.

Наманган муҳандислик-технология институти мамлакатимизнинг кўзга кўринган илм даргоҳларидан бири бўлиб, бугунги кунда у Марказий Осиё давлатларидаги турдош олий ўқув юртилари орасида ҳам юқори мавқега эга. Негаки, мазкур илм даргоҳининг ўтган кирк беш йиллик тарихи кўндан-кўн эса қоларли воқеаларни ёдга солади. Умуман олганда, институт Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустахкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш, бозор иқтисодиётининг замонавий талабига жавоб берадиган юқори малакали мутахассислар тайёрлашни янада такомиллаштириш, шунингдек, республика, шу жумладан тўқимачилик ва енгил sanoat ишлаб чиқариш тармоқларининг кадрлар ресурс базасини мустахкамлаш мақсадида ҳукуматнинг 2011 йил 25 июлдаги тегишли қарори билан Наманган муҳандислик-иктисодиёт институти Наманган муҳандислик-технология институтига айлантирилди. Айни паллада илм даргоҳида паҳтани дастлабки қайта ишлаш, тўқимачилик ва енгил sanoat, кимё, матбаа ва қалоклаш sanoati, дизайн, маркетинг, метрология ва стандартлаштириш, махсулот сифати менежменти, кишлоқ хўжалиги махсулотларини дастлабки ишлаш, озик-овқат технологияси, автоматлаштирув ва бошқарув, энергетика ва бошқа соҳалар учун малакали мутахассислар тайёрланмоқда. Сир эмас, жамиятимизда мазкур соҳаларга бўлган талаб ва эҳтиёж йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу вазифани удаллашда, шубҳасиз, уч юз нафарга яқин профессор ва ўқитувчининг сезиларли улуши бор. Устозларнинг ўн уч нафари фан доктори, профессор, тўқсон нафарга яқини эса фан номзоди, доцентлардир. Шу билан бирга, талабаларга сабоқ беришга икки нафар академик ҳам жалб этилган. Ҳаётий тажриба ва етарли билим ва кўникмага эга бўлган устозлардан сабоқ олган ёшлар ўз мақсади сари дадил оқимлаши турган гап. Негаки, қалби дарё устоз эртанги кунга, юрт тақдирига бевосита жавобгар бўлади. У мудом ўз сўзини ёш навниҳоллар қалбига жойлаб, келажак орзусида яшай-

ди. Ташвишлардан ҳаловат топиб, шоғирларни ютуғидан осмонларда қушдек учати устоз зоти. Касб-қорига, севган машғулотига борлигини бериб юборади. Шунинг учун улар доимо ҳурмат-иззатга муносибдир.

## Ҳамкорлик самара бера бошлади

Мамлакатимизда хориж билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатган илм даргоҳлари сафи йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Италиянинг Пиза университети, Малайзиянинг Малайя университети, Малайзия халқаро ислом университети, Португалиянинг Порто университети, Хитой фан ва технологиялари университети, Зежианг фан ва технологиялари университети, Донгуа университети, Жанубий Кореянинг Жунбу университети, Ҳиндистоннинг др.Панжабрао Дешмук Криши Видяпис номидаги Ақола кишлоқ хўжалиги университети, Саратов давлат техника университети, Урал давлат федерал университети, Челябинск давлат университети, Россия давлат касбий-педагогика университети Наманган муҳандислик-технология институти билан ҳамкорлик ришталарини болаган. Қувончлиси, мазкур хорижий илм даргоҳлари билан мутахассисларни ўқитиш, билим ва кўникмасини ошириш борасидаги ишлар яқин самара бермоқда. Институт ўқитувчилари марказдан олисада жойлашган илм даргоҳлари битирувчилари билан доимий тарзда учрашув ўтказиб туришдан сираям эринмайди. Ана шундай учрашувлар Косонсой озик-овқат sanoati ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ҳамда Кўкимбой кишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ўқувчилари билан ташкиллаштирилди. Устозлар институт ҳақида сўзлаб беришди.

Дарвоқе, мазкур институтнинг моддий-техника базаси тобора яхшилланиб бормоқда. Масалан, биргина 2019-2020 йиллар давомида Саратов техника университети билан ҳамкорликда 2+2 лойиҳаси асосида ташкил этиладиган қўшма факультетда талабалар тахсил олиши мумкин бўлади. Яна бир гап. Ишлаб чиқаришда маҳаллий хомашёдан фойдаланиш ва махсулотларнинг рақобатбардош ассортиментларини ишлаб чиқиш бўйича, паҳтани дастлабки ишлаш, тўқимачилик ва енгил sanoat, кимё технологияси, матбаа ва қалоклаш, кишлоқ хўжалиги ва бошқа долзарб соҳаларда қатор илмий лойиҳалар жамоатчиликда қатта қизиқиш уйғотмоқда. Негаки, мазкур лойиҳалар устида институт олимлари тинимсиз бош қотиришади. Шу мақсадда улар мамлакатимиздаги эликдан ортик ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлари билан ҳамкорликда иши олиб боришмоқда.

Институтнинг маънавий-маърифий ва иктидорли талабалар билан ишлаш бўлими бошлиғи Сайдулла Исоқовнинг маълум қилишича, илм даргоҳи талабалари республика ва халқаро миқёсда ўтказилаётган мусобақаларда ўз маҳоратларини ҳар томонлама кўрсатиб, юксак натижаларга эришмоқда экан. Бу эса бошқа ёшларни улардай бўлишга интилишига кенг йўл очиб шубҳасиз. Шундай экан, Наманган муҳандислик-технология институтида улкан орзу-умидларни дилига жо этган қалб қайноқ, қобилиятли талаба-ёшларга фақат ва фақат омад тилаб қоламиз.

Ўлғубек ЖУМАЕВ,  
«Qila davrasida» мухбири





## «Попдавсுவмахсуспудрат»

давлат унитар корхонаси жамоаси

Мамлакатимиз аҳлини қутлуғ сана

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

муносабати билан муборакбод этади!

Бобокуёш олтин заминимиз  
узра абадий нур сочсин!

OILA  
DAVRASIDA  
Mustahkam oila — yurt tayanchi  
ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» газетаси  
таҳририяти масъулияти  
чекланган жамияти

Бош муҳаррир  
Хусниддин БЕРДИЕВ

#### МУАССИСЛАР:

Фукарларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши;  
Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;  
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси;  
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;  
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;  
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;  
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;  
Акциядорлик тижорат «Алокабанк»;  
«Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази.

Газета таҳририят компютерида терилди ва сақифаланди.

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.  
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.  
«Шаро» нашриёт-нотибаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона маъини: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

#### ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Танзила Норбоева, Қаҳрамон Куронбоев, Шавкат Жавлонов,  
Қудратилла Рафиқов, Коммуна Ирисбекова, Дилором  
Тошмухамедова, Ином Мажидов, Элмира Боситхонова, Мизроб  
Бўронов, Муродулло Холмухамедов, Муҳаммаджон Куронов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй.  
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Навбатчи — Б. Насирибоев  
Саҳифаловчи — Х. Файзуллаев

Буюртма: г-537 ISSN 2181-6190 Обунда индекси — 193  
Адади: 2971 нуска. Нархи: келишув асосида.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.  
Офсет усулида босилган.

Чоп этишга топширилди: 19:00

